Ушбу сонда:

2 *Тадбиркор манфаати қонун ҳимоясида* ОЛМАЗОР НЕГА ПАЙҲОН ҚИЛИНДИ?

3 КАСАБА УЮШМАЛАРИ ЎҚУВ МАРКАЗИДА *репортаж*

4 *Пири бадавлатларимиз* УЧ АСРНИНГ ГУВОҲИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 21 феврал, чоршанба №29 (1043)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

ҚАРОРИ

НАВРЎЗ БАЙРАМИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МАМЛАКАТИМИЗДА «ОБОДОНЛАШТИРИШ ВА КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ ОЙЛИГИ» ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Умумхалқ «Наврўз» байрамини муносиб кутиб олиш, юртимиз табиатини соғломлаштириш, мамлакатимиз чиройига чирой қўшиш, аҳоли ўртасида табиат, она Ватанга муҳаббат туйғуларини кучайтириш, баҳорги ободонлаштириш ишларини ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р қ и л а д и:

1. Шу йилнинг 21 февралидан 21 мартгача мамлакатимизда «Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги» ўтказилсин.

2. «Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги»ни ўтказиш бўйича Республика ташкилий гуруҳи таркиби тасдиқлансин.

3. Республика ташкилий гуруҳи Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда:

уч кун муддат ичида жойларда «Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги»ни ўтказиш бўйича ҳудудий ишчи гуруҳлари ташкил этсинлар;

мавжуд боғлар, дарахт ва буталарга агротехник ишлов ва шакл бериш, барча йўлларни таъмирлаш, зовур ва ариқларни, дам олиш масканларини, бозор ҳудудларини, қабристонларни тозалаш, тартибга келтириш ва ободонлаштириш ишларини амалга оширсинлар;

ўзларига тегишли ҳудудларда янги боғроғларни барпо этиш, дарахтларни режа асосида, сифатига алоҳида эътибор берган ҳолда, ўз вақтида экишни ташкил этсинлар;

меҳрибонлик ва қариялар уйлари, болалар боғчалари, касалхоналар ҳудудларини янада ободонлаштириш, уларнинг атрофига манзарали ва мевали дарахтларни экишга алоҳида эътибор қаратсинлар;

ҳудудий коммунал-фойдаланиш бирлашмалари маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари, уй-жой ширкатлари аъзолари иштирокида кўп қаватли уйларнинг ташқи кўриниши, уйларга кириш йўлаклари ҳамда бириктирилган майдонларни тартибга келтирсинлар ва кўкаламзорлаштирсинлар.

4. Республика «Маҳалла», «Соғлом авлод учун» ва «Наврўз» жамғармалари, «Экосан» халқаро жамғармаси, Республика «Маънавият ва маърифат» кенгаши ҳамда бошқа ташкилот ва муассасалар бир ой мобайнида кенг жамоатчиликни жалб этган ҳолда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ҳашар кунларини ташкил этсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Шредер номидаги илмий ишлаб чиқариш корпорацияси, Ўрмончилик илмий тадқиқот институти буюртма асосида манзарали ва мевали кўчатларни тегишли ташкилотларга ўз вақтида етказиб беришни таъминласинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги, «Маҳалла», «Нуроний», «Наврўз», Меҳр-шафқат ва саломатлик жамғармалари вазирликлар, идоралар, корхона ва ташкилотлар иштирокида Наврўз байрами арафасида меҳрибонлик ва қариялар уйларига, кам таъминланган оилаларга моддий ва маънавий ёрдам беришни кучайтирсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига аҳоли ўртасида тозаликка, атроф муҳитни ҳимоя қилишга эътиборни кучайтириш ва бу борада кенг ташвиқот ишлари олиб бориш топширилсин.

8. «Ўзтелерадио» компаниясига, республика оммавий ахборот воситаларига «Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги»ни ўтказиш жараёнини кенг ва мунтазам равишда ёритиш тавсия этилсин.

9. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ҳ.Кароматов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2001 йил 20 феврал

Мамлакатимиз Президентининг фармойишини ўқиб

ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ ҲАЁТИМИЗНИНГ КУНДАЛИК ҚЎЛЛАНМАСИ

Конституция ҳар бир давлатнинг ўзига хос «паспорти» бўлиб, мазкур давлатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги қиёфасини белгиловчи муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳужжатдир.

Мутахассисларнинг фикрича, дунёда фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчларини мужассам этган 800 дан ортиқроқ Конституция қабул қилинган. Ана шулар ичида бундан саккиз йил муқаддам қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси жаҳондаги йирик сиёсатшунослар томонидан ҳар томонлама пухта ишланган, мукаммал ҳужжат сифатида эътироф этилиб, тан олинди.

Мустақиллигимизнинг қонуний рамзи бўлмиш Конституциямизни баҳолашда АҚШ, Буюк Британия, Франция, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгаши каби обрўли давлат ва халқаро ташкилотларнинг кўзга кўринган олимлари фаол иштирок этдилар.

Асосий Қомусимизнинг энг муҳим хусусияти шундаки, унда инсонни улуғлаш, унинг эркин равнақ топиши учун реал шарт-шароитлар яратиш ўз ифодасини топган. Унда, жумладан, яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқи эканлиги мустаҳкамланган.

Асосий Қомусимизнинг яна бир муҳим моҳияти шундан иборатки, унда «Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ҳамда фуқаролар олдида масъулдирлар», деб кўрсатиб ўтилади. Зотан, собиқ тузумда бундай фикрни ҳеч ким хаёлига ҳам келтира олмас эди.

Конституциямиз халқимизнинг асрлар давомида адолатли давлат, фаровон жамият ва эркин ҳаёт барпо этиш орзусини рўёбга чиқарган, уларни ўзида мужассам этган, унинг шакл ва қиёфасини кўрсатиб берган, инсоннинг манфаатларини ўзида мустаҳкамлаган, уларни давлат манфаатларидан устун деб билган асосий ҳуқуқий пойдевордир.

Республикамиз Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойиши Бош Қонунимизнинг жамиятдаги ўрни ва ролини, маъно ва мазмунини ўрганишда жуда катта аҳамият касб этади. Ушбу Фармон Конституциямизни чуқур илғашда, ундан халқ оммаси турли табақалари вакилларининг унумли ва оқилона фойланишида расмиятчилик эмас, самимийлик зарур эканини уқтиради. Башарти, мустақил мамлакатимизнинг барча фуқароси Конституцияни тўла ўрганса, уни ўзлаштириб олса, унинг моҳиятини ўзига сингдиролса, давлатимизнинг буюкликка томон ташлаётган қадами янада илдамлашади, юртимизда иқтисодий, сиёсий, маънавий, ҳуқуқий ривожланиш янада юксалади.

Дунёда энг ривожланган мамлакатлардан ҳисобланган Америка Қўшма Штатларида ушбу мамлакат Конституцияси давлат байроғи каби АҚШ давлатчилигининг рамзи сифатида чуқур ҳурмат қилиниб, ҳар бир хонадонда эъзозланиб сақланиши кўпчиликка аён бўлмаса керак. Биз ҳам Конституциямизни мамлакатимиз мустақиллигининг рамзи сифатида ҳурмат қилишни ўрганишимиз зарур. Уни фақатгина ўрганиб қолмай, бош Қомусимизнинг мазмун-моҳиятини тарғиб ва ташвиқ қилиш борасида фаол иштирок этмоғимиз лозим. Бунинг учун, Фармойишда таъкидланганидек, Конституциямиз болалар боғчасидан бошлаб ўргатилиши, мактабларда дарслик тариқасида ўқитилиши, олий ўқув юртларида махсус дарс сифатида ўрганилишини 2001-2002 ўқув йилларидан бошлаб юбориш, бунга эса ҳозирдан пухта тайёргарлик кўриш лозим.

Бир гуруҳ олимларнинг эътироф этишларича, инсон билимларнинг асосий қисмини кўз орқали илғаб олар экан. Шуни эътиборга олган ҳолда, Конституциямизнинг ҳар бир боби, бандини акс эттирувчи кўргазмали қуроллар дарс жараёнида ўқитувчига қўл келиши мумкин.

Маълумки, ҳозирги кунда республикамизда ҳуқуқшунослар, айниқса ҳуқуқшунос ўқитувчилар етишмайди. Институтлар тарих-ҳуқуқшунослик факультетларини битирган ўқитувчиларнинг айримлари эса у ёки бу сабабга кўра ўз соҳасида ишламаётир. Ана шуларни назарда тутиб, Фармойишда белгилаб қўйилганидек, «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш» курслари бўйича мактабгача таълим туридаги тарбиячи ва услубчилар, умумий, ўрта таълим муассасаларидаги ўқитувчилар, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва олий таълим турларида дарс берувчи профессор ўқитувчиларни тайёрлашни кенг йўлга қўйиш талаб этилади. Ҳозирги кунда ишлаб турганларини эса қайта тайёрлаш, малака ошириш курсларида мамлакатимиз Конституциясини ўқитиш бўйича ўқув курсларини ташкил қилиш лозим.

Конституцияни ўргатиш билан боғлиқ жараёнга ҳуқуқни ҳимоя қилувчи идораларнинг ходимларини, судьялар, прокурорлар, терговчи ва адвокатларни ҳамда тарихчи, файласуфларни ҳам жалб қилиш ишнинг самарадорлигини янада оширган бўлур эди. Конституция бобларига шарҳлар, Асосий Қонунимизга оид бўлган китобларни кўплаб чоп этиш, аҳоли ўртасида бу соҳадаги тарғибот-ташвиқот ишларини авж олдириш лозим. Бир сўз билан айтганда, «Жамият ҳаётининг мезони бўлган Конституциямизни ҳаётимизнинг доимий қўлланмасига айлантиришимиз лозим».

Ш.ЁҚУБОВ,
касаба уюшмалари Жиззах вилоят Кенгашининг матбуот котиби.

«Наврўз» қувончлари

«Наврўз» байрами арафасида Қува тумани марказида «Она ва бола» реабилитация шифохонаси хизмат кўрсата бошлайди.

ЮРТ ОБОД БЎЛМОҚДА

Миллий ва замонавий меъморлик анъаналари уйғунлигида тикланаётган мазкур соғломлаштириш масканида бир вақтнинг ўзида 90 нафар она ва бола малакали шифокорлар назоратида даволаниб, саломатлигини тиклайди. Бу ерда физиотерапия, реабилитация, ташхис қўйиш, чала туғилган ва ногирон болаларни даволаш бўлимлари иш бошлайди. Шунингдек, усти ёпиқ спорт майдончаси, фаввора, ошхона қурилиши ҳам тугалланмоқда.

Мутасаддиларнинг таъкидлашича, «Она ва бола» реабилитация маскани энг замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари, юмшоқ ва қаттиқ мебеллар билан жиҳозланади. Уларга аллақачон буюртма берилган.

- Ҳозиргача қурилиш-монтаж ишларининг асосий қисми бажариб бўлинди, бошқа ишлар ҳам жадал олиб борилмоқда, - дейди «Вилоят жамоа қурилиш» трести бош муҳандиси Абдужаббор Абдуғаниев. - Ҳозир бу ерда 500 дан зиёд қурувчи меҳнат қилмоқда. Айни пайтда Қува ҳуснига кўрк бўлиб тушадиган шифо маскани жойлашган ҳудудни ободонлаштириш ишлари ҳам жадал олиб борилмоқда. Майдон марказида улкан фаввора, сайилгоҳ, бадиий безакли деворлар, гулзорлар барпо этилаётир. Бу соғломлаштириш масканига ўзига хос тароват бахш этади.

(ЎзА).

МЕҲНАТ АРДОҚЛАГАН КИШИЛАР

Буюк Ипак йўли Фарғона ипак ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти ишчи-хизматчилари сафини янада кенгайтирмоқда. Мазкур ҳиссадорлик жамиятида асосан пилла хом ашёсидан жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган сифатли ипак ишлаб чиқарилади.

Корхонада унумли меҳнат қилиш учун барча шароитлар яратилган. Икки сменада ишлаётган ҳар бир ишчи ўртача 18 минг сўмдан ойлик маош олади. Ишлаб чиқаришнинг янада баракали бўлишига ҳиссадорлик жамияти қошидаги тиббий муолажа хонасининг мунтазам фаолият юритиши, маданий-маиший шароит ҳамда болалар боғчасида яратилган қулайликлар, шунингдек, ишловчилар узоғини яқин қилаётган транспорт воситаларининг хизмати беқиёс бўлмоқда.

Суратларда: корхона илғор ишчиси Ҳабибахон Аракулова; махсулот сифати текширилмоқда.

М.ҚОДИРОВ олган суратлар.

НАВБАТ БАЛИҚЛИ ТАОМГА

Орол денгизи ҳавзаси қисқариб бораётгани туфайли Ўзбекистон аҳолиси кўпгина денгиз неъматлари, асосан балиқ маҳсулотларидан маҳрум бўлиб қолмоқда. Дарёлар ва ёпиқ сув ҳавзаларида балиқ овлаш йилига 6,5 минг тоннагача камайиб кетди. Уларнинг энг яхши турлари йўқолиб бормоқда. Шу сабабли бугунги кунда балиқчилик зарурий эҳтиёжга айланди.

Ҳозирги пайтда соҳада турли ихтисосликдаги 60 га яқин корхона фаолият кўрсатмоқда. Яқинда ташкил этилган «Ўзбалиқ» корпорацияси инвестициявий ва нарх-наво сиёсатини барқарорлаштириш, ишончли сотиш бозорини излаш ва маҳсулот сифатини яхшилаш учун фаол ҳаракат қилмоқда. Корпорация мутахассислари 2005 йилгача балиқ овлашни йилига 16 минг тоннага етказишни мўлжалламоқда.

«Ўзбалиқ» корпорацияси кўзланган мақсадларга эришиш учун ҳовузларда балиқ етиштирувчи хўжаликлар тизимини ривожлантириш, маҳсулотни қайта ишлаш технологиясини такомиллаштиришга интилмоқда. Бунда технологиянинг чиқиндисиз ишлашига асосий эътибор қаратилади. Чунки, балиқнинг ташлаб юбориладиган тангачалари, суяклари ва кемирчакларидан тайёрланадиган балиқ унидан чорвачилик ва паррандачиликда озуқага қўшимча сифатида фойдаланиш мумкин.

Келажакда сельд балиғини кўпайтириш ва Каспий денгизидан қимматли балиқ турларини олиб келиб, ўз иқлимимизга мослаштириш ҳам режалаштирилган. Бу йўналишдаги ишлар муҳим аҳамиятга эга, чунки республикада балиқни истеъмол қилиш Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти белгилаган меъёрдан сезиларли даражада ортда қолмоқда.

ХАЙР–ЭҲСОН ЎН КУНЛИГИ

Янгийўл туманида Тошкент вилояти «Қизил ярим ой жамияти»нинг хайр-эҳсон марафони ўтказилди.

— Мақсадимиз «Оналар ва болалар» йилида муҳтожларга, ногиронларга ва ота-онасиз қолган болаларга моддий ҳамда ижтимоий томондан ёрдам кўрсатишдир, - деди Тошкент вилояти Қизил ярим ой жамияти кенгашининг раиси Муфаррах Каримова «Туркистон-пресс» мухбирига. — Қизил ярим ой жамияти Янгийўл туманида катта Тиббий-ижтимоий реабелитация марказини очди. Марказда ногирон болаларнинг саломатлигини тиклаш ҳамда уларга илм бериш мақсадида тажрибали тиббиёт ходимлари ва малакали ўқитувчилар фаолият кўрсатмоқда. Қизил ярим ой жамияти асосан тиббиёт борасида иш олиб боради. Масалан, Олмалиқ шаҳрида бу йил Тиббий ижтимоий ўқув маркази очилди. Марказни керакли замонавий тиббий асбоб-анжомлар билан жиҳозладик. Ҳозирда ўқув курслари иш бошлади. Бу курснинг мақсади вилоятдаги ҳар бир ўқувчи ва талабаларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатишни, ҳамда атрофидагиларга биринчи ёрдам беришни ўргатишдир. Бундан ташқари курсларда корхона, ташкилот раҳбарлари ва ишчилари ҳам ўқитилади.

Болаларига биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш уларни тиббиётдан огоҳлантириш жуда катта иш бўладидеб ўйлайман.

Қизил ярим ой жамиятининг хайру эҳсон ўн кунлиги 2000 йил декабр ойида бошланганди. Жумладан, Янгийўл туманида ҳам марафон ўтказилди. Тадбирга корхона ва ташкилотлардан баҳоли-қудрат маблағлар ўтказишяпти. Бу маблағлар тумандаги кам таъминланган кўп болали оилалар аҳволини яхшилашда ҳамда етим болалар соғлигини тиклашга, ногиронлар саломатлигини яхшилашга сарфланади, - деди М.Каримова.

Тадбирда Тошкент вилояти ҳамда Янгийўл тумани Қизил ярим ой жамиятлари томонидан тайёрланган совғалар боқувчисини йўқотган ва кам таъминланган оилаларнинг болаларига топширилди.

Ижтимоий ҳимоя

ТУШЛИК БЕПУЛ

Хонқа туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги касаба уюшмаси таркибида 1426 нафар аъзо бор. Ўтган йили воҳада қурғоқчилик катта муаммоларни келтириб чиқарганига қарамасдан омилкорлик билан иш тутилгани туфайли асосий экин турлари бўйича шартномавий режалар ошириб бажарилди. Ширкат аъзоларига олинган ҳар 100 сўм учун 25 сўмдан дивидент ҳисобланди. Энг муҳими, ойлик маошлар ўз вақтида бериб борилди.

Хўжалик касаба уюшма қўмитасига анча йилдан буён Бахтиёр Маҳмудов етакчилик қилиб келаётир. У ёш, сергайрат раҳбар. Шунинг учун ҳам ширкат раҳбарлари ундан бемаслаҳат иш тутишмайди. Бурноғи йили республика агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси аъзолигига сайланди.

Бахтиёрнинг қўмита аъзоси сифатидаги фаолияти ҳам ибратли. Унинг зиммасига вилоятда қурултой қарорларини ҳаётга татбиқ қилиш, меҳнат ва ҳуқуқ тарғиботини олиб бориш вазифаси юкланган. Шунинг учун ҳам у туманларда тез-тез бўлиб, суҳбатлар ўтказади, ҳуқуқий ва меҳнат муҳофазаси масалалари бўйича маслаҳатлар бериб, йўл-йўриқлар кўрсатади.

Шунингдек, у раҳбарлик қилаётган касаба уюшма қўмитаси ишлари ҳам ибратлидир. Қўмита 22 гуруҳ, 3 цехга бўлинган. Қўмитага қарашли 3 та: меҳнатни муҳофаза қилиш, маданий-маърифий, ижтимоий-иқтисодий ишлар комиссиялари фаолият кўрсатиб турибди. Ўтган йили Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан 32 нафар уруш қатнашчиси 100 минг, йил давомида эса кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар 401 минг сўмлик моддий кўмак олдилар. Касаба уюшма қўмитаси билан маъмурият ўртасида тузилган жамоа шартномасига биноан кам даромадли 28 нафар фахрийга хўжалик ҳисобидан 108 минг сўмлик қўшимча нафақа белгиланиб, 57 нафар механизаторга 190 минг сўмлик махсус кийимбош берилди.

Жамоа шартномасига биноан чорвачилик фермаси ва техника устахонасида ишловчилар дастурхонига 1 миллион 417 минг сўмлик иссиқ овқат бепул тортилди.

Ширкат аъзоларининг ишга бориб-келишлари учун автобус қўйилди ва харажатига 565 минг сўм ажратилди.

Жамоа шартномасида кўрсатилганидек, деҳқонлар режадан ташқари етиштирган маҳсулотнинг барчаси ўз тасарруфларида бўлади. Шунга биноан белгиланганидан ортиқча 93 тонна буғдой уларнинг ўзларида қолдирилди. Йиғим-теримда иштирок этган илғорларни рағбатлантириш учун 212 минг сўмлик дон тарқатилди. «Соғлом авлод йили» дастурига биноан 312 нафар аёлнинг ҳар бири меҳнат таътилига 3-6 кунгача қўшиб берилди. Бунга кетган сарф-харажат 1 миллион 260 минг сўмни ташкил қилди. Жорий йилда бу кўрсаткичлар янада яхшиланади.

Касаба уюшма қўмитаси меҳнаткашларни ва уларнинг оилаларини дам олдириш ҳамда соғломлаштиришга алоҳида эътибор беряпти. Жумладан, касаба уюшма қўмитаси маъмурият билан ҳамкорликда «Дурвадик» қишлоғининг сўлим жойларидан бирида «Райҳон» оромгоҳи ташкил қилди ва бу мақсад учун ширкат ҳисобидан 1,5 миллион сўмлик маблағ ажратилди. Оромгоҳда жамоа аъзоларининг 320 нафар болалари кўнгилли ҳордиқ чиқаришди.

Оналар ва болалар йилида бу кўрсаткич янада яхшиланиши режалаштирилган.

Ўтган ойнинг охирида касаба уюшма қўмитаси томонидан ташкил қилинган «Саёҳат» автопоездида 40 нафар касаба уюшма аъзоси Бухоро, Самарқанд шаҳарларида саёҳатда бўлиб қайтдилар.

Касабақўм янги иш ўринларини очишга ҳам эътиборни кучайтиряпти. Амалдаги йилнинг дастлабки ойларидаёқ касаба уюшма ташаббуси билан ширкат хўжалиги базасида 12 та деҳқон хўжалиги тузилди. Тикувчилик, тўқувчилик цехи ташкил қилиниб, бу ерда 23 нафар хотин-қиз иш билан таъминланди. Хуллас, касаба уюшма қўмитаси фаолиятидан ширкат хўжалиги аъзолари мамнун.

Эркин ЭРМАТОВ,
«Ишонч» мухбири.

Грант соҳиблари

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Фарғонадаги «Истиқлол» теннис мажмуида АҚШ халқаро тараққиёт агентлиги — ЮСАИД томонидан молиялаштирилган «Здравплюс» дастури бўйича вилоятдаги нодавлат ташкилотларнинг кичик грант соҳибларига сертификатлар топшириш маросими бўлиб ўтди.

«Здравплюс» дастури вилоятда соғлиқни сақлаш хизмати сифатини оширишда техник жиҳатдан амалий ёрдам кўрсатмоқда. Бирламчи соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этиш, молиялаштириш ва бошқаришни ислоҳ қилиш, шунингдек, қишлоқ аҳолиси соғлиғини яхшилашни кўзда тутган кенг қамровли ишларни бирламчи тиббий хизмат кўрсатиш муассасалари, нодавлат ташкилотлари билан биргаликда амалга оширмоқда. Мазкур дастур кўмагида ташкил этилаётган ишлар самараси чакки эмас. Ўтган икки йил мобайнида бирламчи тиббиёт муассасаларида «Саломатлик» байрамларини ўтказиш учун техник ёрдам кўрсатилди. 9 та нодавлат-нотижорат ташкилотларга соғлиқни сақлаш бўйича ишлаб чиққан лойиҳаларини амалга оширишлари учун грантлар тақдим этилди. 7 та маҳаллада аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш учун қувур ва насослар етказиб берилди.

Грантлар билан тақдирланган Қўқон шаҳар «Тадбиркор аёл», шаҳар эндокринологлар ассоциациялари, «Экскулап», «Ишонч», «Келажак», «Меҳри», «Навбаҳор», «Соғлом-аёл» репродуктив саломатлик марказлари, «Умр» нодавлат ташкилоти ҳамда Ўзбекистон туманидаги Қизил қақир маҳалла фуқаролар йиғини, «Умид» жамоатчилик ташкилотига сертификатлар топширилди.

А. ТЎХТАСИНОВ,
«Ишонч» мухбири.

МАХСУС КОМИССИЯ ТУЗИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўқиб-ўрганиш халқ таълими тизими олдида турган долзарб вазифалардан бири бўлиб қолди. Республика Президенти Асосий Қонунимизни ўрганишни ташкил этиш тўғрисида чиқарган фармойиши асосида олий ўқув юртларида муҳим таълимий тадбирлар амалга оширилмоқда.

— Бизда ҳам Конституциямизни ўрганиш бўйича махсус комиссия тузилди, — дейди Тошкент Давлат педагогика университети проректори Абдуғаффор Қирғизбоев. — Асосий қонунимизнинг мазмун ва моҳиятини талаба ёшлар онгига чуқур сингдириш билан боғлиқ масалалар дастури яратилмоқда.

Давлат ҳуқуқи кафедраси ишлаб чиққан дастурий режаларда таълимий жараёнларнинг дидактик воситалари ўз ифодасини топди. Масаланинг муҳимлигини инобатга олиб, кафедра алоҳида ўқув курсини ташкил этиш тараддудини кўрмоқда.

Айни вақтда «Ўзбекистон Конституциясини ўрганиш» курси бўйича муайян марказларда ўқитувчиларни ўқитишга киришилди.

Республикамизнинг кўзга кўринган юрист олимлари ва тажрибали ҳуқуқшунослар университетга жалб этилиб, Асосий Қонун тўғрисида маърузалар уюштирилади.

Қорақалпоғистонда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш миллий дастури изчил бажарилишини таъминлашга ҳаракат қилинмоқда. Фақат кейинги иккиуч йилда Нукус шаҳри ва саккизта туманда шошилинч тиббий ёрдам, «Оналар ва болалар» марказлари, Ўзбекистон акушерлик ва гинекология илмий текшириш институтининг Нукус филиали, 25 та қишлоқ тиббиёт шохобчаси фойдаланишга топширилди.

ТЎРТКЎЛДА ТЕЗ ЁРДАМ ХИЗМАТДА

XXI асрнинг дастлабки йили Тўрткўл аҳолиси учун ҳам қувонарли бошланди. Шаҳардаги поликлиника биноси ҳашар йўли билан мослаштирилиб, ҳамма қулайликларга эга бўлган шошилинч тиббий ёрдам марказига айлантирилди.

— Янги марказнинг ишга туширилиши туфайли беморларга узлуксиз тиббий хизмат кўрсатиш имкони яратилди, - дейди туман бирлашган шифохонаси бош ҳакими К.Исмоилов. - 30 ўринли масканда жарроҳлик, терапия, болалар неврология, пульмунология ва реанимация бўлимлари мавжуд. Марказ энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланган. Беморларга малакали шифокор П.Худойберганов раҳбарлигидаги ўз ишининг жонкуярлари бўлган мутахассислар хизмат кўрсатмоқда.

Қисқаси, Тўрткўл тез тиббий ёрдам марказида аҳолига намунали тиббий хизмат кўрсатиш учун барча имкониятлар етарли. Бу ерда 8 та автомашина беморлар хизмати учун шай турибди. Махсус дорихонадан энг ноёб дори-дармонларни топиш мумкин. Талаб ва эҳтиёжлар инобатга олиниб, яна янги 20 та ўрин ташкил этилади.

А. ИСКАНДАРОВ.

УЗМА КЎНГИЛ ТОРИНИ

Касаба уюшма ёрдамга келди

Инсон қалби меҳрга ташна. Бир оғиз ширин сўз билан унинг кўнглини тоғдек кўтариш ёки аксинча, ноўрин гап билан дилини хуфтон қилиш мумкин. Касаба уюшмаларининг бош вазифаси эса меҳнаткаш манфаатини қатъий туриб ёқлашдир.

Шу йилнинг бошида Наманган вилоят давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси қўмитасига Ўзбекистон акциядорлик саноат қурилиш банки ходимлари Флора Норматова ва Светлана Светловалар кириб келишди. Улар одатдагидек илиқ қарши олиндилар. Суҳбат давомида аёллар ўтган йил охирида нафақага чиққанликларини айтишди.

— Табриклаймиз, ҳалол меҳнатингиз роҳатини кўриш насиб этсин, - дейишди касаба уюшма вакиллари.

— Илиқ сўзингиз учун ташаккур, - деди аёллардан бири. - Очиғи, ҳузурингизга дилимиз хуфтон бўлгандан келдик. Гап шундаки, банкда ўн йил ишладик. Бироқ, на раҳбар, на бирон ходим лоақал кўнгил учун бир оғиз илиқ сўз айтмади. Фақат нафақага чиқиш муддатимиз етганлигини маълум қилишди, холос.

— Одамга алам қиларкан, - фикрини ифодалади иккинчиси. - Биздан бир айб ўтгандек, тегишли тўловларни ҳам беришмади. Қонуний ҳақимизни талаб қилсак, ҳуқуқшунос, қолаверса, раҳбаримиз Ю.Иномов гаплашишни ҳам истамади.

Текширув жараёнида шикоятчилар талаби тўғри эканлиги тасдиғини топди. Иккала ходим 26 декабр куни нафақага чиқишган. Орадан бир кун ўтгач, жамоа аъзоларига навбатдаги мукофот пули тарқатилган. Лекин Норматова ва Светловаларга нафақага чиқиб кетишган, деган баҳонада мукофот пули ёзилмаган.

Вилоят касаба уюшма қўмитаси аралашувидан кейин ноҳақлик бартараф этилди. Уларга қонуний 40 минг сўмга яқин ҳақлари ундириб берилди.

Ўйга толасан киши. Инсон қалби гулдек нозик. Меҳнаткашни қўллаб-қувватлаш, иззат-ҳурматини жойига қўйиш ҳар бир раҳбару мутахассиснинг бурчидир. Қолаверса, меҳнат фахрийларига қандай муносабатда бўлинаётганлиги бу жамоадаги муҳитни ёрқин акс эттириб туради. Банк мутасаддилари хатоларини тушунишди. Бироқ кўнгил тори узилгач, икки томонлама самимий муносабатни тиклаш қийин бўларкан. Маъмурият нафақага кузатилган икки ходимни қадрдон жамоасида қолиб ўз ишларини давом эттиришни таклиф этди. Бироқ икки меҳнат фахрийси бошқа ерга ишга жойлашдилар.

О.ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири.

Усмон Юсупов туманидаги «Жейнов» кооператив-ширкат хўжалигида кейинги ўн йил ичида улкан ишлар амалга оширилди. Бугун эса бу хўжалик фаолиятини нафақат кўзкўз қилиш, балки ундан ўрнак олса арзийди. Яқинда хўжалик ҳаётида яна бир унутилмас воқеа — янги сут заводи ишга туширилди.

Швейцария технологияси асосида Исроилнинг «Эйнаб» фирмаси билан ҳамкорликда барпо этилган бу кичик сут заводи туманда ягона ҳисобланиб, бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар ҳар қандай хориж маҳсулотлари билан рақобатлаша олади. Шу сабабли ҳозирданоқ корхона маҳсулотларига талаб кундан кунга ортмоқда.

Сут заводида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, энг аввало, туман халқ таълими бўлимлари, соғлиқни сақлаш муассасалари, «Жейнов» қишлоғи аҳолисига, Қарши шаҳридаги савдо дўконлари орқали эса шаҳарликларга етказиб берилмоқда.

Суратларда: Лаборант Вазира Тўрақулова;
Янги ишга туширилган сут заводи биносининг кўриниши.

Шомурод ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар.

Тадбиркор манфаати қонун ҳимоясида

ОЛМАЗОР НЕГА ПАЙҲОН ҚИЛИНДИ?

Тумандаги «Қуйимозор» агрофирмаси бошқаруви ва касаба уюшма қўмитасининг хўжалик ҳудудида жойлашган «Тешабой» ва «Ҳаққулбобо» фермер хўжаликлари фаолиятини тўхтатиш, уларнинг тегишли давлат банкларидаги ҳисоб рақамларини ёпиш тўғрисидаги қарори нафақат фермерларни, балки қонунни сал-пал тушунган кишиларни ҳам ажаблантиргани рост. Чунки, хўжалик йиғилишида юқори ташкилотларга таклиф, тавсиялар киритилиши мумкин, лекин бу — ҳоким қарорини бекор қилиш дегани эмас. Боз устига уларнинг банклардаги ҳисоб рақамларини ёпишгача боришлик эса ўз ваколатини билмасликнинг айни ўзгинаси.

Буниси ҳали ҳолва экан. Туман ҳокими Ш. Набиев 1999 йил 23 ноябрда туман ер танлаш ваколатли гуруҳи, агрофирма бошқаруви ҳамда касаба уюшма қўмитасининг қўшма қарори асосида «Тешабой» фермер хўжалигига берилган 3,7 гектар, «Ҳаққулбобо» фермер хўжалигига тегишли 2,76 гектар олмазорни агрофирмага қайтариш ҳақидаги қарорни имзолади. Лекин ерсиз қолган фермер хўжаликлари фаолияти тўхтатилмади. Туман ҳокимининг мазкур тадбиркорлар, жумладан, «Ҳаққулбобо» хусусий хўжалигини Вазирлар Маҳкамасининг 300-сонли қарорига асосан хўжалик юритувчи субъектлар рўйхатига киритиш тўғрисидаги 1999 йил 10 июнда қабул қилган 399-сонли қарори ўз кучида қолаверди.

Агрофирма раҳбарлари ҳам бўш келишмади. Улар ерни нафақат фермерлардан, балки дарахтлардан ҳам тозалашди. Мавжуд майдонлардаги олмазорлар тракторлар ёрдамида суриб ташланди. «Арабон» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси А.Ражабов ҳам «томошабин» бўлиб қараб турмади. Когон шаҳрида яшовчи А.Авезовга уй-жой қуриш учун «Ҳаққулбобо» фермер хўжалиги ҳудудидан 15 сотих ер ажратиб берди.

Хўш, фермерлардан ер нега қайтариб олинди? Абдураҳмон Ҳаққуловнинг Адлия вазирлигига ёзган аризасида айтилишича, фермер хўжалиги 1995 йилнинг 12 декабрида Қизилтепа ҳокимининг қарори асосида ташкил этилган , ўз фаолиятини «Қуйимозор» агрофирмаси билан 10 йил муддатга тузган шартнома асосида олиб борган. «Навоийаудит» фирмаси хулосасида ҳам «Ҳаққулбобо» фермер хўжалиги олмазорни агротехник тадбирлар асосида парвариш қилгани, ҳар йил соф фойда олишга эришиб давлат солиғи ва мажбурий тўловларни вақтида тўлаб келгани баён қилинган. Хўжаликдаги қўшма қарорда ҳамда туман ҳокимининг собиқ биринчи ўринбосари Ф.Остоновнинг 1999 йил 20 декабрда ёзган хатида эса «фермер хўжалиги кейинги 3-4 йил мобайнида олмазорни қаровсиз ташлаб қўйган. Бунинг устига хўжалик билан ижара шартномаси тузилмаган», деган важлар келтирилган. Аслида эса фермер хўжалигида 1995 йил 25 декабрда жамоа хўжалиги билан, 1998 йилнинг 10 ноябрида агрофирма билан қайта тузилган жамоа шартномаси мавжуд.

«Ҳаққулбобо» фермер хўжалиги раҳбари Абдураҳмон Ҳаққулов турли ташкилотларга арз қилавергач, туман ҳокимлиги томонидан аудит текшируви ўтказилиб, энди фермерга олмани «арзон нархда сотган» деган «айб»ни тиркашган. Бундай айб қўйилишининг асоссизлиги ўз-ўзидан кўриниб турибди. Чунки, маҳсулот бозорнинг талаби, харидоргирлигига қараб баҳоланади. Бинобарин, баҳони сотувчининг талаби эмас бозор белгилайди. Хайриятки, фермерлар қонун ҳимоясига олинди.

Агрофирма раҳбариятининг ғайриқонуний ҳаракатлари сабабли вилоят давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармасининг 1996 йил 30 майдаги 379-сонли буйруғига асосан «3 гектар боққа мулкий ҳуқуқни тасдиқловчи 000457-рақамли давлат ордери билан хусусийлаштириб олинган боғингиз ўзбошимчалик билан бузиб ташланган, — дейилади вилоят адлия бошқармаси бошлиғи М.Бердиқулов имзоси билан ҳар иккала фермерга йўлланган хатда. — Сизнинг фермер хўжалигингизга тегишли ерларни ўз эгасига қайтариш мақсадида Қизилтепа туман ҳокими ва «Қуйимозор» агрофирмаси бошқаруви раисига тақдимномалар киритилиб, улар қабул қилган ноқонуний қарорларни бекор қилиш, ерни қайтариш ҳамда айбдор шахслар «фаолияти»га муносиб баҳо бериш сўралди. Бундан ташқари, агрофирма маъмуриятининг бу ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 173-моддасида белгиланган ўзганинг мулкини қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш билан боғлиқ жиноят аломатлари мавжудлиги инобатга олиниб, айбдор шахслар масаласини кўриб чиқиш вилоят прокуратурасидан сўралди. Шу сабабли кўрилган моддий ва маънавий зарарни ундириш юзасидан келтирилган зарарни асословчи ҳужжатларни тақдим этишингиз керак».

Табиийки, вилоят адлия бошқармасининг тақдимномаси асосида туман ҳокими ўзининг 1999 йил 23 ноябрдаги қарорини бекор қилди. Ҳатто қарорнинг 4-пунктида туман ер ресурслари бўлими ва «Қуйимозор» агрофирмаси бошқаруви раҳбарияти олдига «Тешабой» ва «Ҳаққулбобо» фермер хўжаликларига қонун талабларига мувофиқ 5 кун ичида ерни ҳужжатлаштириб бериш вазифаси қўйилди. Бироқ унинг ижроси 5 кун эмас, мана уч ойдирки, агрофирма раҳбарлари томонидан бажарилмади. Гарчи ҳар иккала фермернинг ҳувиллаб қолган ер майдонлари юқори ташкилотлар аралашуви билан, узоқ давом этган тортишувлардан сўнг қайтарилган бўлса-да, агрофирма раҳбарияти уни далолатнома асосида ўз эгаларига беришни пайсалга солмоқда.

Қизилтепа туман судининг ўтган йилнинг 20 ноябрида бўлган мажлиси даъвогар вилоят адлия бошқармасининг фуқаро А.Ҳаққулов фойдасига жавобгарлар «Қуйимозор» агрофирмаси раиси ва раис ўринбосаридан етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги фуқаролик ишини кўриб чиқди ва айбдорлардан зарарни ундириш ҳақида қарор чиқарди...

— Бизни-ку қўяверинг, — деб куюнади фермер Ҳаққулов. — Ер қайтарилгунча яшнаб турган олмазор боғ пайҳон қилинди. Бу истеъмол бозорини тўлдирадиган тонна-тонна мевалар энди йўқ дегани. Дарвоқе, энди экиладиган ниҳоллар 5-6 йилда ҳосил беради, ана шу даромадсиз ердан фермер солиқ тўлайди...

Ялғош САРИЕВ,
«Ишонч» мухбири.

Ватан тимсоли уй ҳам остонадан бошланади, дейдилар. Унинг файзи, саранжом-саришталиги шу ерданоқ сезилади. Ушбу муассасага ташриф буюрар эканмиз, боболар ҳамда момоларнинг тез-тез такрорлайдиган бу гапи хаёлимиздан ўтди. Сабаби, кираверишда тасаввур этганимиздек, мазкур даргоҳ ораста ва кўркам эди.

КАСАБА УЮШМАЛАРИ ЎҚУВ МАРКАЗИДА

Репортаж

Дарвоқе, Мовароуннаҳр кўчаси, 33-уйда касаба уюшмалари етакчилари, ходимлари ўз касб маҳоратларини оширадилар.

Йўлакдан ўтиб бораётиб девордаги ранг-баранг рангли суратларни кўздан кечирамиз. Уларда давлатимиз мустақиллик йилларида эришган улкан ютуқлар, қад кўтарган муҳташам бинолар, касаба уюшмалари ҳаёти акс этган. Оёқ остига гилам-поёндозлар тўшалган. Мебеллар, стол-стуллар бари янги. Хуллас, ҳаммаси рисоладагидек.

- Бу ерга яқинда кўчиб ўтдик, - дейди Ўқув маркази директори Константин Переверзев. — Келишимиздан аввал мазкур бино тўла таъмирланди. Замон талаблари асосида жиҳозланди. Учта сўнгги русумдаги компьютер сотиб олдик. Шуни таъкидлаш жоиз, бу ишлар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ташаббуси ва саъй-ҳаракатлари натижасида амалга ошди.

Ҳа, янги аср, янги даврда яшаб бозор иқтисодиёти шароитида фаолият юритар эканмиз, ҳамма соҳа вакиллари, айниқса, меҳнаткаш манфаатларини ҳимоя қилувчи касаба уюшмалари ходимлари ҳар томонлама билимдон, етук инсонлар бўлиши даркор.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш, касаба уюшмалари Ҳаракат дастуридан келиб чиқадиган вазифаларни амалга ошириш, касабақўм раҳбарларини давр талабларига жавоб берадиган даражада тайёрлаш мақсадида Федерация Кенгаши Раёсати 2001 йил 24 январда қарор қабул қилди. Шунга кўра ўқув марказида амалдаги йилнинг 5 февралидан касаба уюшмалари ходимлари, фаоллари, туман, шаҳар қўмиталари раисларининг бир ҳафталик ўқуви ташкил этилди.

Семинар машғулотларида йиғилганлар фуқаролик жамиятини шакллантиришда сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотлари роли, ижтимоий суғурта тизими, миллий мафкура, маънавиятни шакллантиришда касаба уюшмаларининг ўрни, меҳнатни муҳофаза қилиш, иш юритиш ҳужжатларини тайёрлаш, уларни назорат қилиш, жамоа шартномалари ва битимлари аҳамияти каби қатор мавзуларда маърузалар тинглайдилар. Жумладан, ўқиш мобайнида улар Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос йўли, солиқлар ва солиқ сиёсатидан ҳам сабоқ оладилар. Маърузаларни Ўзбекистон КУФКнинг масъул ходимлари, бошқа идораларнинг етакчи мутахассислари ўқимоқдалар.

Тасдиқланган режага мувофиқ жорий йил давомида 39 та гуруҳ ташкил этилиб унда 969 нафар киши ўқиши кўзда тутилган.

— Тингловчиларни якшанба куни кутиб оламиз, - дейди ушбу марказнинг ўқув ишлари бўйича мудири Ирина Юрьевна Юргинсова. — Душанба куни соат 9 дан машғулотлар бошланади. Семинар дастури 36 соатга мўлжалланган бўлиб, йиғин охирида имтиҳон тариқасида савол-жавоб ўтказилади.

Биз борган кунимиз Андижон, Фарғона, Наманган вилоятларидан келган туман, шаҳар таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмиталари раислари ўқишаётган экан.

— Танаффус пайтида тингловчилар билан гаплашишингиз мумкин. Фикр-мулоҳазаларини эшитасиз, - деди Ирина Юрьевна. — Унгача марҳамат, кутубхонамиз билан танишиб туринг.

Кутубхона, ҳақиқатан ҳам китобларга бой экан. Сиёсий, бадиий ва касаба уюшмалари фаолиятига доир адабиётлар китоб жовонларига алоҳида-алоҳида, тартиб билан териб қўйилган эди.

Яна диққатга сазовор жойи шундаки, семинарга ташриф буюрганлар учун бу ерда ҳамма шароитнинг яратилганидир. Вилоятлардан келганлар 24 ўринли меҳмонхонага жойлаштирилади. Ётоқхоналари икки ва уч кишилик. Ҳар бирида телевизор бор, музлатгичлар қўйилган. Бошқа керакли жиҳозларни меҳмонхона бекаси муҳайё этади. Хусусий ошхонада уч маҳал иссиқ овқат тайёрланади. Таомлари бошқа жойларга нисбатан арзон ва сифатли. Бари харажат касаба уюшмалари ҳисобидан.

Шу пайт тингловчилар танаффусга чиқишди. Фурсатдан фойдаланиб уларни суҳбатга тортамиз:

Манзурахон Мамажонова, Шаҳрихон шаҳар таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси:

— Янги сайланган раисман. Ўқувни ташкил этган раҳбарларга кўп раҳмат. Иш фаолиятимизда жуда керак бўладиган билимларни ўрганяпмиз. Ўз соҳасининг билимдонлари меҳнат қонунчилиги, ижтимоий ҳимоя, ижро интизоми, ишни ташкил этиш, ҳужжатларни расмийлаштириш борасида дарс ҳамда суҳбатлар олиб боришяпти.

Мурувватхон Аҳмедова, Охунбобоев тумани таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси:

— Маълумки, қаерда шароит яхши бўлса, ўша ерда ишлар кўнгилдагидек кетади. Кўзланган мақсадга эришилади. Ҳар бир кунимиз сермазмун, таассуротларга бой ўтяпти. Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театрига бориб «Куёв танлаш» спектаклини кўрдик. Таниқли актёрлар билан суҳбатлашдик. Темурийлар тарихи Давлат ва Санъат музейларида бўлдик. Пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларини айландик. Меҳмонхона иссиқ, тайёрланаётган таомлар ранг-баранг ва мазали. Кутубхонадан кундалик матбуот нашрларини олиб ўқиймиз. Бир сўз билан айтганда ҳаммаси кўнгилдагидек ташкил этилган.

Галина Маматқулова, Норин тумани таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси:

— Аввало маъруза ва машғулотлар юқори савияда ўтаётганини таъкидламоқчиман. Ўрни келганда бир таклифимни ҳам айтсам. Ўйлайманки, унинг умумишимизга албатта нафи тегади. Келгуси йилдан семинар иштирокчилари жойларга чиқиб амалий ишлар билан ҳам танишса. Масалан, пойтахт ва Тошкент вилояти туманларида оммалаштиришга арзийдиган тажрибалар оз эмас. Шуларни ўргансак дейман. Кейин, кўп йиллардан буён ишлаётган раислар фикри эшитилса, тажрибаси ўрганилса, таклифлари билан қизиқилса янги сайланган етакчилар учун жуда фойдали бўлур эди.

Яхши таклиф. Худди шу масалада мутасадди идоралар раҳбарлари ташаббуси билан қатор тадбирлар белгиланди. К.Переверзевнинг айтишича Ўқув марказининг фаолият доирасини янада кенгайтириш устида ишлар қизғин бошлаб юборилган. Марказнинг янги жойи «Саёҳат» меҳмонхонасининг бир қисмини эгаллайди ва 80 кишини қабул қилиш, ўқитиш имконига эга бўлади. Уни қайта қуриш ва таъмирлаш учун етарли миқдорда маблағ ажратилган. Қувончлиси, касаба уюшмалари Ўқув маркази яқин ойларда давр талабларига тўлиқ жавоб берадиган, замонавий зиё ва тажриба орттириш масканига кўчиб ўтади.

Зулфия ҚОБИЛОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши мутахассиси.
Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ,
«Ишонч» мухбири.

Суратларда: Ўқув маркази ҳаётидан лавҳалар.
Икром ҲАСАНОВ олган суратлар.

«АЛЬФА ЦЕЛЛЮЛОЗА» - АНИҚ ИМКОНИЯТ

Наврўз байрами арафасида Фарғона фуран бирикмалари кимё заводи қошида альфа целлюлоза ишлаб чиқариш тармоғи ишга туширилади. Ушбу цех иш бошлагач, йилига 30 минг тонна целлюлоза хом ашёси ишлаб чиқариш имконияти пайдо бўлади. Бу хом ашёдан эса «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмасида триадцетат целлюлоза тайёрлаш йўлга қўйилади. Натижада, бир неча йилдан буён хом ашё етишмаслиги сабабли тўла қувват билан ишлолмаётган Фарғона сунъий толалар корхонаси ҳам бир маромда иш бошлайди.

Маҳаллий хом ашё - пахта линтидан тайёрланувчи альфа целлюлоза нафақат кимё саноатида, балки халқ хўжалигининг барча соҳаларида ҳам ўзига хос ўрин тутади. Ундан қоғоз ишлаб чиқариш, доришунослик, турли косметика, пластмасса, озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотлар тайёрлашда кенг фойдаланиш мумкин.

- Айни кунда бу ердаги асосий ишлар ниҳоясига етди, - дейди корхона бош муҳандиси муовини Жалолиддин Йўлдошев. - 55 миллион АҚШ долларига энг замонавий дастгоҳлар сотиб олинди ва ўрнатилди. Бизга янги технологияни ишга туширишда Германиянинг «Унион матекс» фирмаси мутахассислари ёрдам бермоқда. Махсус дастур асосида саралаб олинган ишчи-хизматчилар хорижий ҳамкорларимиз ёрдамида ўқитилмоқда.

Янги маҳсулотнинг 50 фоизи четга экспорт қилинади.

(ЎзА).

Саволингизга Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси меҳнат ҳуқуқи бош нозири Карим МУХТОРОВ жавоб беради.

Савол: Меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишда касаба уюшма қўмитасининг розилигини олдиндан олиш тартиби ва унинг бажарилмаслиги қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлиги тўғрисида тушунтириш берсангиз.

Қандай ҳолларда касаба уюшма қўмитасининг розилиги олинмайди ва касаба уюшма қўмитаси ўз розилигини бермаслиги ҳам мумкинми?

Н.Рихсибеков,
Тошкент тумани тиббий бирлашмаси касаба уюшма қўмитасининг раиси.

Ҳуқуқий маслаҳатхона

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 101-моддасига мувофиқ меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан, яъни Меҳнат кодексининг 100-моддаси бандларида кўрсатилган сабабларга кўра ходимлар вазифасидан озод қилинишидан олдин, агар жамоа келишуви ёки жамоа шартномасида касаба уюшма қўмитасининг олдиндан розилигини олиш назарда тутилган бўлса, бундай розиликни олмай туриб меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмайди.

Меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш Меҳнат кодексининг 100-моддасида кўрсатиб ўтилган: технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги;

ходимнинг малакаси етарли бўлмаганлиги ёки соғлиғи ҳолатига кўра бажараётган ишига нолойиқ бўлиб қолиши;

ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини мунтазам равишда бузганлиги. Аввал меҳнат вазифаларини бузганлиги учун ходимга интизомий жавобгарлик қўлланилган кундан эътиборан бир йил мобайнида ходим томонидан такроран интизомга хилоф ножўя ҳаракат содир қилиниши меҳнат вазифаларини мунтазам равишда бузиш ҳисобланади;

ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузганлиги.

Меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузишларнинг рўйхати ички меҳнат тартиби қоидаларида кўрсатилган бўлиши керак.

Қонунчиликда корхона тугатилганда ва корхона раҳбари билан меҳнатга оид муносабатлар бекор қилинганда ҳамда ўриндошлик асосида ишламайдиган бошқа ходимнинг ишга қабул қилиниши муносабати билан ўриндошлик иши чекланиши сабабли ўриндошлар ишдан бўшатилганда касаба уюшма қўмитасининг розилигини олиш талаб қилинмайди.

Сиз туман соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси қўмитасида раис вазифасида ишлар экансиз. Агар Сизларнинг жамоа шартномаларингизда иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда касаба уюшма қўмитасининг олдиндан розилиги олинишлиги кўрсатилмаган бўлса ҳам, бу муассаса раҳбарига ўз ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилишда касаба уюшма қўмитасининг розилигини олдиндан олмаслик ҳуқуқини бермайди. Чунки Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси ва Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўртасида тузилган Битимда соғлиқни сақлаш муассасаларида ходимларни иш берувчининг ташаббуси билан вазифасидан озод қилинишида касаба уюшма қўмитасининг олдиндан розилиги олиниши кераклиги кўрсатиб ўтилган. Шундай экан, бу Битим республикадаги барча соғлиқни сақлаш муассасаларига тегишлидир. Битим бу талабнинг бажарилишини ҳар бир касаба уюшма қўмитаси назорат қилиши зарур. Бу тартиб бошқа соҳанинг иш берувчиларига ҳам тааллуқли бўлиб, жамоа шартномаси тузилганда юқори касаба уюшма ташкилотлари билан юқори хўжалик органлари ўртасида тузилган Битимлар асос қилиб олиниши керак.

(Давоми бор).

Оила ва қонун

ЭР ВА ХОТИННИНГ УМУМИЙ МУЛКИ

23-модда

Эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари, шунингдек, никоҳ қайд этилгунга қадар, бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулклари, агар қонун ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, уларнинг биргаликдаги умумий мулки ҳисобланади.

Эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари жумласига (эр ва хотиннинг умумий мол-мулкига) эр ва хотин ҳар бирининг меҳнат фаолиятидан, тадбиркорлик фаолиятидан ва интеллектуал фаолият натижаларидан орттирган даромадлари, улар томонидан олинган пенсиялар, нафақалар, шунингдек, махсус мақсадга мўлжалланмаган бошқа пул тўловлари (моддий ёрдам суммаси, майиб бўлиш ёки саломатлигига бошқача зарар етказиш оқибатида меҳнат қилиш қобилияти йўқолганлиги муносабати билан етказилган зарарни қоплаш тарзида тўланган суммалар ва бошқалар) киради. Эр ва хотиннинг умумий даромадлари ҳисобига олинган кўчар ва кўчмас ашёлар, қимматли қоғозлар, пайлари, омонатлари, кредит муассасаларига ёки бошқа тижорат ташкилотларига киритилган капиталдаги улушлари ҳамда эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган бошқа ҳар қандай мол-мулклари, улар эр ёки хотиндан бирининг номига расмийлаштирилган ёхуд пул маблағлари кимнинг номига ёки эр ва хотиннинг қайси бири томонидан киритилган бўлишидан қатъий назар улар ҳам эр ва хотиннинг умумий мол-мулки ҳисобланади.

Эр ва хотиндан бири уйрўзғор ишларини юритиш, болаларни парвариш қилиш билан банд бўлган ёки бошқа узрли сабабларга кўра мустақил иш ҳақи ва бошқа даромадга эга бўлмаган тақдирда ҳам эр ва хотин умумий мол-мулкка нисбатан тенг ҳуқуққа эга бўлади.

Фермер хўжалиги ва деҳқон хўжалиги аъзоларининг биргаликдаги мулки бўлган мол-мулкка нисбатан эр ва хотиннинг эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқлари фермер хўжалиги ва деҳқон хўжалиги тўғрисидаги қонунларда белгиланади. Фермер хўжалиги ва деҳқон хўжалигининг мол-мулкини бўлиш Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 223- ва 225-моддаларида назарда тутилган қоидалар асосида амалга оширилади.

1. Эр-хотиннинг оилавий муносабатларда тенг ҳуқуқлилиги ва баб-баравар мажбуриятларга эга эканлиги мулкий муносабатларда ҳам ўз ифодасини топган.

Эр-хотиннинг мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятларига иқтисодий мазмундаги масалалар киради. Масалан, эр-хотиннинг умумий мулкига нисбатан бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятлари, эр-хотиннинг ҳар бирининг алоҳида хусусий мулкига бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ўзаро моддий таъминотдаги алимент ҳуқуқи ва мажбуриятлари шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикасининг мустақил бўлиши унинг бозор иқтисодига ўтиши, республикада тадбиркорлик фаолиятига кенг ўрин берилиши бу масалада ҳам амалдаги оила қонунчилигига тегишли ўзгаришлар киритилишини тақозо этди. Чунки, қонун бугунги кун талабларига тўла жавоб бериши лозим.

2. Эр ва хотиннинг никоҳ давомида биргаликда орттирган мол-мулклари фуқаролик ва оила қонунлари билан тартибга солинади. Унга ФКда белгиланган мулк тўғрисидаги умумий қоидалар, хусусан, биргаликдаги мулк тўғрисидаги қоидалар татбиқ этилади (ФКнинг 18-боби). Оила қонунчилигидаги умумий мулк тўғрисидаги қоидалар ФКга қарши қўйилиши мумкин эмас. У, биринчидан, ФКдаги қоидаларни тафсилотлайди ва тўлдиради, иккинчидан, фуқаролик қонунларида кўрсатилган оилавий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятларини ва айрим истисноларини аниқлайди.

(Давоми бор).

Ўзбекистон боғдорчилик ва узумчилик машинасозлиги заводида шу соҳаларда ишлатиладиган қишлоқ хўжалик техникалари ишлаб чиқарилади. 98 нафар етук мутахассис фаолият кўрсатаётган мазкур жамоада жорий йилда 81 миллион сўм миқдорида маҳсулот ишлаб чиқариш режалаштирилган.

Суратда: ишлаб чиқариш илғорлари Қодир Утебоев ва Мухиддин Зиёдовлар.
Даврон АҲМАД олган сурат.

Шарҳ

РАКЕТАДАН МУДОФАА ТИЗИМИ ВА ХАЛҚАРО ХАВФСИЗЛИК ИСТИҚБОЛИ

Ўн йил муқаддам совуқ уруш сиёсати тугаганидан сўнг кўпгина сиёсий можароларга барҳам берилди. Аммо умумбашарий хавфсизлик соҳасида ўта муҳим ўрин тутувчи ядро қуроллари ва улардан ҳимояланиш масаласидаги талай муаммолар ечимсиз қолди. Айни вақтда АҚШ ракетадан мудофаа дастурини ишлаб чиқмоқда. На Москванинг, на Пекин ва на Европа давлатларининг жиддий эътирози уни тўхтатишга қодир эмасдек туюляпти. Ҳозир бу масала халқаро муносабатлардаги энг долзарб муаммога айланди. Негаки, халқаро сиёсий барқарорликка янги таҳдидлар юзага чиқиши мумкин бўлиб турибди.

Табиий бир савол туғилади: ядро қуролларини чеклаш ҳақидаги халқаро шартномаларнинг бу қабилда бузилиши янги қуролланиш пойгасини бошлаб бермасмикин?

Яқиндагина президент этиб сайланган Жорж Буш, ўзининг дастлабки нутқларидан бирида, ракетадан мудофаа тизими АҚШ учун катта сиёсий ва стратегик аҳамиятга эга эканига урғу бериб ўтди. Янги президент ташқи сиёсат борасида ўзига хос қарашларга эга. Мутахассисларнинг фикрича, у мамлакат ҳимояси учун ўзига хос халқалар яратиш ғоясини рўёбга чиқармоқчи. Биринчи халқа фақат АҚШнинг худудий хавфсизлигини таъминлайди. Иккинчи халқа эса унинг яқин қўшнилари - Канада ва Мексикани ўз ичига олади. Энг катта саналган учинчи халқада эса АҚШнинг иттифоқдошлари бўлмиш Ғарбий Европа давлатлари ва Япония хавфсизлиги таъминланади. Фақат шундан кейингина, АҚШ президенти Россия ва Хитой маъмурлари билан биргаликда халқаро хавфсизликнинг нозик масалаларини муҳокама қилиши мумкин.

Пентагоннинг асосий мақсади АҚШ худуди ва аҳолисини режаланган ёки тасодифий оммавий қирғин қуроллари ҳужумидан ҳимоя қилишдан иборат. Пентагондаги юқори лавозимли ҳарбийлар ва миллий хавфсизлик соҳаси эксперт-ларининг фикрича, жуда ихчам ва ишончли бўладиган миллий мудофаа тизими 2005 йилдан ишлай бошлайди.

Ракета технологияси мудофаа тизимида энг муҳим тармоқ саналади. Ўн беш йил муқаддам, бор йўғи етти-саккизта давлатгина ана шу технология сирларидан воқиф бўлган эса, ҳозирга келиб, йигирмадан ортиқ мамлакат ана шундай ракеталарга эга. Бугунги кунда айрим ривожланаётган мамлакатлар ҳам бундай қуролга эга бўлиш учун ҳозирлик кўрмоқда. Мисол сифатида Шимолий Корея, Ҳиндистон, Эрон, Исроил ва Покистонни кўрсатиш мумкин.

Ракетадан мудофаа тизимини яратиш ғояси совуқ урушнинг авж палласида пайдо бўлганди. Бироқ, ўзаро имзоланган ҳужжатлар таъсирига тушган давлатлар унинг амалиётига киришмади. Бундай ҳужжатларнинг энг муҳими - Қитъалараро ракеталардан мудофаа бўйича шартнома - 1972 йилнинг 26 майида Москвада, собиқ шўролар иттифоқи раҳбари Леонид Брежнев ва АҚШнинг собиқ президенти Ричард Никсон ўртасида имзоланган. Мазкур келишув икки давлатга ҳам қитъалараро ракеталардан ҳимояланадиган тизим яратишни манъ қилади.

Билл Клинтон даврида Оқ уй маъмурияти ракетадан мудофаа қалқони масаласида якуний қарор қабул қилмаган эди. Бугун эса мутахассислар ушбу лойиҳа эртами-кеч ҳаётга татбиқ этилишини айтмоқда. Кўпчиликни қизиқтираётган масала мазкур қалқон пайдо бўлиш-бўлмаслигида эмас, балки бу лойиҳа қай йўсинда дунё юзини кўришида. Айнан шунга келганда, АҚШ сиёсатчиларининг фикрлари турлича. Маълумки, Билл Клинтон маъмурияти ракеталардан мудофааланиш техникасини АҚШнинг барча штатига ўрнатишни кўзлаган эди. Бироқ Жорж Буш бу масалага бошқача ёндошмоқда. Унинг фикрича, ракеталарни уриб туширувчи мослама ҳарбий кемаларга ўрнатилиши керак. Бу кемалар эса АҚШ хавфсизлигига таҳдид солувчи давлатлар атрофига жўнатилади.

Ядровий таҳдиднинг олдини олиш қўмитаси ижрочи директори Дэрл Кимблнинг таъкидлашича, 2000 йилда мазкур лойиҳа учун 4,8 миллиард доллар сарфланганига қарамасдан, Пентагон ҳали кўзга кўринарли натижага эришгани йўқ. АҚШни қийнаётган масала техникавий қийинчилик ёки молиявий етишмовчилик эмас, балки бу лойиҳа сиёсий жумбоқ эканлигидадир.

Хўш, АҚШ режасини жаҳон ҳамжамияти қандай қаршиламоқда?

АҚШга аввало Россиянинг эътирози кучли. Собиқ иттифоқнинг меросхўри бўлмиш бугунги Россия АҚШдан 1972 йилдаги шартномага тўла амал қилишни талаб қилмоқда. Москвани Пекин ҳам қўллаб-қувватлаб турибди. Қолаверса, Европадаги сиёсатчилар ҳам америкаликларнинг режасидан ташвиш чекмоқда. Негаки, АҚШнинг бундай сиёсати фақат 1972 йилги шартнома бузилишига олиб келибгина қолмай, балки янги қуролланиш пойгасини бошлаб бериши ҳам мумкин. Ана шундай фикрни ҳаттоки АҚШнинг яқин иттифоқчилари бўлмиш Канада ва Германия ҳам қўллаб-қувватламоқда.

Япония АҚШнинг дастурига катта қизиқиш билан қарамоқда, чунки Шимолий Кореядаги тузум Токиони тинчини бузган. Тайван ҳам ўзини ана шундай қалқон остида кўришни истайди. Бунинг сабаби маълум - Хитой Тайван оролини ҳар қандай йўл билан қайтариб олишга тайёр.

Оқ уйнинг режасидан айниқса Хитой сиёсатчиларининг асаблари таранглашган. АҚШ ракетадан ҳимоя қалқонига эга бўлар экан, Хитойнинг нисбатан кучсиз бўлган қитъалараро ракеталари ўз аҳамиятини йўқотади ва чора сифатида Пекин ўз ядро қуролларини такомиллаштиришга киришиши ҳеч гап эмас. Хитой бундай йўлни танлагач, унинг рақиби бўлмиш Ҳиндистон саросимага тушади. Шубҳасизки, ўз навбатида, бу жараёнга Ҳиндистоннинг рақиби -Покистон ҳам қўшилади.

Хулоса қилиб айтганда, АҚШнинг ракетадан мудофаа тизимини қуриш режаси осонлик билан ҳал бўладиган муаммо эмас. Дунёдаги етакчи давлатлар, халқаро ҳамжамият масалани ҳар томонлама ўрганиб, бир тўхтамга келиши керак бўлади.

Дилшод ИБРОҲИМОВ
(ЎзА)

МУСТАҲКАМ ТЕХНИК НЕГИЗ

Аҳолига транспорт хизмати кўрсатишда Тошкент метрополитени муҳим ўрин тутмоқда. Ҳаракат таркибининг бир меъёрда ишлашини таъминлаш борасида кўрсатилаётган техник тадбирлар ҳам ўз ижобий натижаларини бермоқда.

Тошкент ер ости темир йўлида навбатдаги электродепонинг қуриб битказилиши ҳам нур устига аъло нур бўлди. Бунинг натижасида ҳаракат таркибини туб таъмирлаш ҳамда кўплаб эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқариш имкони туғилди.

Шунингдек, тортиш двигателларини, мотор-компрессорларни туб таъмирлаш учун ҳам мустаҳкам техник негиз юзага келди.

Ҳозир Тошкент метроси ишлаб чиқариш участкаларида 300 га яқин номда эҳтиёт қисмлар тайёрланмоқда. Шулардан 50 дан ортиғи ўтган йили ўзлаштирилди.

А.АЛИЕВ.

Пири бадавлатларимиз

Она ҳақида ёзганида шоирлар тонгдан ранг оладилар. Ёруғ ниятларини нурга йўғириб, шеърга соладилар. Мусаввирлар Она сиймосини тасвирлаганда уни фариштага ўхшатиб, кўпроқ оқ ранг ишлатадилар. Ҳа, оналар дунёни нурга, зиёга тўлдирувчи, дуолари билан оламни асрагувчи табаррук зотлардир. Дунёда фарзанд борки, Онага интилади, Онадан қувват олади, Онани эъзозлайди, қариганда унга суянч бўлиб, дуосини олади... Негаки, инсон боласининг жонитани, вужуди, ҳатто руҳияти Она меҳри, Она муҳаббати билан йўғрилган.

УЧ АСРНИНГ ГУВОҲИ

Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган онахон нафақат фарзандларига, балки эли, элдошларига ҳам табаррук. Хайринисо Машрабалиеванинг юзларига нурдек таралган ажинларда ҳаёт йўлларининг изи, ҳарорати бор. Наманган вилоятининг Поп туманида яшайдиган бу нуроний онахон 1887 йилда таваллуд топганлар. Уч асрнинг гувоҳи бўлган онахон ҳақида илк бор эшитганимда, ўзимча ўйладим. Африкадаги бир мамлакатда ўртача умр 30 ёшни ташкил этаркан. Бу онахон эса учинчи асрни ҳам кўраяпти. Қандай бахт — бу.

Иттифоқо Попга йўлим тушиб, тақдир шундай толени насиб этган онахонни зиёрат қилгим келди. Хайринисо момо яшайдиган Тўда қишлоғи туман марказидан анча олисда экан. Сўраб-суриштириб, топиб бордим. Дарвозани ушоққина кампир очди. Уни онахоннинг келиними ёки синглисими, деб ўйладим. Хайринисо момони зиёрат қилишга келганлигимни айтдим. Ичкарига бошлашиб кирдик. Ҳай-ҳайлашимга қарамасдан, дарров мен учун дастурхон янгилайди. Фотиҳадан сўнг момони сўрадим. Даврадагилар ҳайрон бўлгандек аввал саволомуз тикилишдиларда, менга эшикни очган кампир томон ишора қилишди. Ҳайрон қолдим. Биласизми, шунча ёшга кириб ўз оёғи билан дадил юрган инсонни биринчи кўраётган эдим-да.

Момонинг хотираларини тинглайману кўз ўнгимда яқин тарих намоён бўлади.

— Билмадим, болам. Оқ пошшо даврини кўрдим. Мелин (чамаси, Ленин демоқчи) даврини кўрдим. Ўша Мелин пошшолигида уйларимиздан ҳамма нарсани, мол-ҳолимизни-ю, отамнинг бир бош ҳанги эшагигача умумлаштирамиз деб тортиб олиб чиқиб кетишди. Дашноқ деган, мўйлаблари бир қарич аскарлар келиб ким мол-ҳолини бермаса, қиличдан ўтказди. Кўпларни қамаб, Сибирга сургун қилишди. Ҳаммаси дом-дараксиз кетди. Менинг Мамасоли деган қайсар амаким бўларди, уям ўшанда бедарак кетган. Онаси куя-куя кўр бўлиб ўлди. Исталин дегани чиқди. Роса қамади одамларни. Ўшанда муаллимлар қолмади ҳисоб. Кимники саводи бўлса, ҳайдаб кета беришди. Гитлер дегани уруш қилиб келди. Тўданинг қанчадан-қанча эр йигитлари тийғи парронга учради.

— Неча ёшларга боргансиз? — сўрайман гап орасида асосий мақсадга кўчиб.

Онахон бир зум ўйга толади.

— Қишлоғимиз чоллариям ёшимни ҳисоблашгани-ҳисоблашган. Йилим илон. Қайси куни тўқсон саккизга кирган қайним айтди, бир юз ўн учга кирибман. Янги келин бўлган кезларимда тандирга бўйим етмасди. Қайнонам раҳматлик оёқларим остига кунда қўйиб берарди.

— Болалар нечта?

— Худо саккиз фарзанд берди. Еттитаси ўзига керак экан, қайтариб олди. Биттагина Жуманбойим қолган. Умрини берсин. Набираларим, эвараларим жуда сероб. Қарилик қурсин, кўпининг отиниям билмайман. Яратган Эгамга қуллуғим бор. Шундай замонларни кўрдим. Эртакдагидек қарилар иззатда, ёшлар хизматда, юрт обод, эл фаровон. Илоҳо, шундай савоб ишлар бошида турган Юртбошимиз омон бўлсинлар.

Онахон дуога қўл очади. Юртга тинчлик, қариларга иймон, ёшларга умр, дастурхонга барака тилайди.

Уч асрни кўрган, тарихнинг жонли гувоҳи Хайринисо момонинг табаррук хонадонидан қалбим қувончга тўлиб қайтарканман, туманда учинчи асрни кўриб яшаётган яна 29 нафар нуронийлар борлигини эшитиб, иймон келтирдим. Илло, Хайринисо момодек дуогўй нуроний қариялари бор юрт-нинг файзи ҳам бўлакчадир.

О.ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири.

Соҳибқирон Амир Темур ҳақида

БИРИНЧИ ҒАЛАБА (III)



Ривоят қиладиларки, Темурбек вазирлар, амир ва беклар, умуман ақли расо йигитлар билан доимий йиғинлар ўтказар, суҳбатлар қилар, гап-сўзлар кўпинча юрт ҳақида, уни чингизийлар зулмидан озод этиш тўғрисида борарди. Ҳар бир йигит қалбида Ватан озодлиги учун кураш туйғуси жўш урар, ўша кун тезроқ келишини орзиқиб кутишарди.

Бир куни Темурбек журъат этиб уларга қарата деди:

— Олийҳиммат биродарларим, ҳозир айни кучга тўлган, ақлимиз тўлишган пайт: бундай пайтларда йигит киши элу юртининг оғирини енгил қилади, ташвишига шерик бўлади. Шундай фурсат яқин келди. Сизлар менга ёрдамчи ва мададкор, мен учун таянч ва суянч бўлишга аҳд қилинглар!

Тенгдошлари унинг даъватига рози бўлишиб, ҳар қандай вазиятда у билан бирга бўлишга ва унга қарши турмасликка қасамёд қилдилар.

Турон йигитлари биргалашиб, юрт озодлиги курашига отландилар. Қишлоқ, шаҳарларда улар тўғрисида афсона ва қўшиқлар тўқила бошланди.

Уларнинг мақсадларидан хабар топган чингизийларнинг юрагига ғулғула тушди. Турон йигитлари ортидан айғоқчилар, каллакесарлар юборилди.

Темурбек ақлли, тадбиркор, ҳушёр йигит эди. Мовароуннаҳрдан кетиш кераклигини, ҳар қадамда хавф-хатар муқаррар эканлигини билиб, сафдошлари билан Жайҳундан ўтиб, вақтинча жон сақлади.

Бир куни Темурбек сафдошлари билан ўзаро кенгашди:

— Бизга бошпана ва паногоҳ зарур, - деди у. — Менга қолса, Нахшаб шаҳрини эгалласак!

— Нима учун айнан Нахшабни? - сўради сафдошлари қизиқиб.

— Биринчидан, у жуда қулай жойда; иккинчидан, анча мустаҳкам қалъа; учинчидан, мен шаҳарга кириш йўлини биламан.

Турон йигитлари тун қоронғусида шаҳар сув йўлига кириб, амирнинг уйини мўлжаллаб юрдилар. Амир шаҳар ташқарисидаги дала ҳовлида эди. Ваҳимадан хабар топгач, тезда мадад кучи билан етиб келиб, уларни қуршовга олди.

Темурбекнинг сафдошлари унга:

— Сен туфайли биз ҳалокатга гирифтор бўлаяпмиз, - дея таъна қилдилар.

Темурбек бу гаплардан довдираб қолмади, аксинча, ўзини дадил ва мардона тутиб, баланд овозда деди:

— Эр киши шундай кунларда синовдан ўтади. Бутун куч-ғайратингизни жамлаб, шаҳар дарвозаси томон ташланинглар ва бир мушт бўлиб, душманни янчинглар.

Темурбек йигитлари унинг сўзларига амал қилишиб, душман устига ташланишди ва ғалабага эришдилар. Шундан сўнг уларнинг омадлари юришди: сафлари кенгайиб, уларга ҳамфикр бўлганларнинг сони кундан-кунга ошиб борди.

Тўлқин ҲАЙИТ,
Фахриддин АШРАФХЎЖАЕВ.

МУРУВВАТ

Ногиронларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш маркази - «Ҳаёт» иш бошлади

Давлатимиз томонидан берилаётган имтиёзлар ва ғамхўрликлардан баҳраманд бўлаётган ногиронларимиз ва уларнинг оила аъзоларига ижтимоий ёрдам кўрсатиш, ҳақ-ҳуқуқларини ўргатиш мақсадида Самарқанд шаҳрида вилоят ногиронларига ёрдам кўрсатувчи «Ҳаёт» деб аталган ижтимоий нодавлат марказ ўз ишини бошлади. Марказнинг асосий фаолияти ногиронларга мавжуд қонун-қоидаларни тушунтириш, уларни ишга жойлаштиришда ёрдам бериш, яшашлари учун шароитлар яратиш, ҳомийлар томонидан ғамхўрликларни ташкил қилиш ҳамда ижтимоий-маиший хизмат кўрсатиш турларини яхшилашдан иборатдир.

«Ҳаёт» маркази вилоят ижтимоий таъминот бошқармаси билан ҳамкорликда махсус режа асосида ўз дастур ва йўналишларини белгилаб олган. Марказ фаолларининг Фарҳод қўрғончаси ва Булунғур туманида ногиронлар билан олиб борган амалий ишлари натижасида бу жойларда ҳам ана шундай марказлар очилди. Куни кеча эса Каттақўрғон шаҳрида ижтимоий таъминот бўлими мудири Ш.Ҳамидов ташаббуси билан икки кунлик семинар ўтказилди. Давра суҳбати тарзида ўтказилган семинарга ногиронлар ҳамда уларнинг оила аъзолари таклиф этилди.

Марказ ҳуқуқшуноси Улуғбек Муродов йиғилганларга ногиронлар ва уларнинг оила аъзолари учун мамлакатимизда яратилган имтиёзлар, шарт-шароитлар ҳамда ҳуқуқий меъёрлар тўғрисида батафсил гапириб берди. Марказ раҳбари Мелия Асанова эса катта умидлар билан иш бошлаган марказ олдида турган ишлар ҳали кўп эканлиги, айниқса, ногиронларга ва уларнинг оила аъзоларига янада кўпроқ эътибор қилишимиз лозимлиги ҳақида фикр юритди.

Семинарда марказнинг тажрибали психологи Шоира Ҳусайнова ногиронларнинг руҳан тетик бўлишлари учун кўпроқ нималарга диққат қилишимиз зарурлиги юзасидан муайян тушунчалар берди. Давра суҳбати давомида ногиронлар томонидан берилган ўнлаб саволларга марказ фаоллари ҳамда мутахассислар атрофлича жавоб беришди. Шунингдек, уларга ҳуқуқшунослар тайёрлаб келган меъёрий ҳужжатлар тарқатилди.

Семинар-машғулот сўнгида «Нуронийлар чойхонаси»да дастурхон ёзилиб, ҳомийлар совғалари топширилди.

Дилшод ШАКАРОВ.

Бу турфа олам

Ғиштни ким яратган? Бу саволга аниқ жавоб бериш қийин. Унинг энг қадимий турлари қуйдирилган сомонли ва сомонсиз хом ғиштлар эрамиздан 15 минг йил аввал яратила бошланган, деган маълумотлар бизга маълум. Аммо қуйдирилган пишиқ ғиштни қўллаш эрамиздан икки-уч минг йил аввал Миср ва Ҳиндистонда кенг ривожланганлиги аниқ.

ҒИШТ САРГУЗАШТИ

Бу ҳақдаги далолатлар Миср Араб Республикасининг тарихий обидалари ва 1922 йили ҳинд археологи Р.Баранжи томонидан очилган. Ҳинд водийсидаги «Ўликлар дўнглиги» номини англатувчи Мохенжо-Даро иншоот материалларини текшириш чоғида ўз исботини топган.

Эрамизнинг бошида ғишт Месопотамия ва қадимги Римда кенг қўлланилган. Айниқса, римликларда бу даврда ғиштларга нақш бериш, ғиштдан безаклар ясаш ва ғишт ўймакорлиги ниҳоятда ривожланган эди.

Ўрта асрларга келиб дунё ғиштсозлигининг маркази Ўрта Осиё бўлиб қолди. Ўрта Осиёлик усталар ғиштдан пойдевор, устун, мақбара, доира гумбазлар, зина, айланма зинапоя каби иншоотлар барпо этишган. Жумладан, IX аср охири X аср бошларида Бухорода бунёд этилган сомонийлар мақбараси, XII асрда карвон йўли четида қурилган баландлиги 30 метр, айланаси 17 метрлик салобатли Жарқўрғон минораси ҳам сифатли пишиқ ғиштдан қурилган.

ҲАР ЧОРШАНБА — ИШ КУНИ

Уч ялқов учрашиб қолишди.

— Душанба оғир кун. Шу куни ишга бормаса нима қилади, - деди бири.

— Ўз-ўзидан сешанбада ҳам ишга оёқ тортмайди, - қўшилди унга иккинчи ялқов. - Майли, чоршанба иш куни бўла қолсин.

— Жуда тўғри айтасан, - деди яна биринчи ялқов. - Шу менга қолса, пайшанба-жума кунларини ҳам дам олиш куни деб эълон қилардим. Шанба-якшанба тўғрисида гапирмасак ҳам бўлади, шундоқ ҳам дам олиш куни.

— Вой-бў, - деди бояқдан бери улфатларининг сўзига қулоқ солиб турган учинчи ялқов. - Ҳар чоршанба ишлайверар эканмиз-да!

«Олимпиада умидлари — 2001»

Республика халқ таълими вазирлиги ва бошқа жамоат ташкилотларининг мамлакат мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб «Фарзандлари соғлом юрт — қудратли бўлур» шиори остида «Олимпиада умидлари — 2001» спорт мусобақаларини ўтказиш тўғрисидаги қўшма қарорини вилоятимиз жамоатчилиги мамнуният билан кутиб олди.

ОТА-ОНАЛАР ОЛҚИШИ

фарзандларни руҳлантириб юборди

У вилоят халқ таълими бошқармасида ўрганиб чиқилиб, аниқ тадбирлар белгиланди. Ҳакамлар таркиби аниқланиб, етти кишидан иборат ташкилий қўмита тузилди. Ташкилий қўмита умумтаълим муассасаларида мусобақаларни ташкил этиш, беллашувларнинг юқори савияда ўтишини таъминлаш, ҳужжатларни расмийлаштириш каби масалалар юзасидан семинарлар ташкил этди, қўшимча йўл-йўриқлар ишлаб чиқди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиманки, вилоятимизда ёшларни жисмоний ва маънавий камолотга, ватанпарварликка даъват этувчи мазкур мусобақалар аввалбошданоқ қизғин тус олди. Ундан 742 та мактабнинг бирортаси четда қолмади. Дастлабки босқичда 5-11 синфлардан 300 мингдан зиёд ўқувчининг иштирок этгани бунинг исботидир.

Хўш, мусобақанинг дастлабки босқич беллашувлари бизга нима берди?

Аввало, у туман, шаҳар босқичига энг яхши спортчиларни танлаб олиш имкониятини яратди. Лекин, энг муҳими, «Олимпиада умидлари — 2001» туфайли мактабларда жисмоний тарбия дарсларига эътибор ҳар қачонгидан-да кучайгани, спорт заллари ва майдонлари анчайин тартибга келтирилиб, янги жиҳозлар билан бойитилгани, тўгаракларнинг жонланиб қолганидир. Шунингдек, мактаб ўқувчиларининг мусобақалар баҳонасида спорт кийимларига эга бўлганлари ҳам соҳанинг эртанги ривожига ижобий таъсир этади, деб ўйлайман. Бинобарин, буни Избоскан тумани мисолида яққол кўриш мумкин. 6 минг ўқувчи иштирок этган иккинчи босқич мусобақалари ўтказилиши муносабати билан туман ҳокимлиги, Ип-газлама ҳиссадорлик жамияти, «Камолот», «Соғлом авлод», «Меҳр-шафқат» жамғармалари, ўнлаб саховатталаб тадбиркорлар жуда кўп спорт заллари ва майдонларини таъмирлаш ҳамда жиҳозлашга, қатнашчиларни махсус спорт кийимлари билан таъминлашга ёрдам бердилар. Натижада ўқувчилар волейбол, баскетбол, стол тенниси, қўл тўпи, шахмат, енгил атлетика, футбол мусобақалари ўтказиладиган кунларни байрамдек кутиб олдилар. Ота-оналарнинг ишқибоз сифатидаги иштироки мусобақаларга алоҳида руҳ бағишлади. Шунингдек, ҳомийлик яхши уюштирилган Қўрғонтепа, Булоқбоши, Асака туманларида ҳам баҳсларнинг юқори савияда ўтказилишига эришилди.

Учинчи босқич март ойида ўтказилади. Қилинадиган ишлар эса талайгина. Буни тўғри англаган ҳолда асосий мусобақалар ўтадиган Андижон шаҳридаги «Ёшлик» мажмуи ва бир неча спорт залини ҳал қилувчи курашларга тайёрлаш, икки мингдан ортиқ ўқувчини спорт кийимлари, ётоқхона билан таъминлаш каби тайёргарлик ишларини катта уюшқоқлик билан давом эттирмоқдамиз.

Абдуҳамид АБДУРАҲМОНОВ,
ташкилий қўмита котиби.

РАҲБАР ХОДИМЛАР СПАРТАКИАДАСИ

Наманганда вилоят раҳбар ходимлари ўртасида анъанавий тус олаётган навбатдаги спартакиада бошланди.

Унда вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, шаҳар ва туманлар ҳокимлари, уларнинг ўринбосарлари, корхона, ташкилот ва хўжаликлар раҳбарлари спортнинг волейбол, теннис, шахмат, сузиш, мини-футбол ва енгил атлетика турлари бўйича ўзаро куч синашади. Мусобақаларда хотин-қизлар жамоалари ҳам иштирок этмоқда.

Самарқанд вилояти Пахтачи туман Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси шу қўмита раиси Умирзоқ Тўхтаниёзовга отаси **ШАРИФ бобо**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45;
Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 21.00

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 2124. 1 2 3 4 5 6